

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 239 (6357). • 12 декабрь, 1978 йил • СЕШАНБА • Баҳоси 2 тийин.



ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта териш ва давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар, ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1978 йил декабрь ойининг биринчи ўн кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Сирдарё областига;

Самарқанд областининг **Жомбой районига;**

Тошкент область, **Пискент районидаги «Пискент-2» совхозига** (совхоз директори ўртоқ А. Дўсбеков, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Д. Қўргонбеков, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Х. Нуров, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ А. Ўринбеков). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 88,74 процент **риқдаги Мирзачўл районида;**

Қашқадарё областининг **Усмон Юсупов районида;**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Сирдарё областига;

Самарқанд областининг **Жомбой районига;**

Тошкент область, **Пискент районидаги «Пискент-2» совхозига** (совхоз директори ўртоқ А. Дўсбеков, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Д. Қўргонбеков, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Х. Нуров, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ А. Ўринбеков). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 88,74 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 11,38 процент, шу жумладан машина теримини 12,9 процент қўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Самарқанд область Жомбой районидаги «Жомбой» совхозидан олиб берилади;

Жиззах область **Мирзачўл районидаги Абай номли қўриқ совхозига;**

Қашқадарё область **Нишон районидаги ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган «Туркманистон» совхозига;**

Самарқанд область **Жомбой районидаги «Москва» колхозига;**

Сурхондарё область **Термиз районидаги ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган Ленин номли колхозига.**

„Оқ олтин" хирмонига



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 11 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан, мавсум бошидан буён машинада терилгани):

Бўка	0,06	111,80	107,30
Чиноз	0,03	108,59	110,28
Ғалаба	0,02	107,23	106,76
Бекобод	0,06	105,50	100,00
Янгийўл	0,04	105,49	117,44
Ўрта Чирчиқ	0,02	103,67	105,70
Коммунистик	0,01	101,71	101,54
Пискент	0,12	100,95	82,25
Оққўрғон	0,10	89,57	90,19
Область бўйича:	0,06	103,52	101,27

Областимиз пахтакорлари эришган катта меҳнат ғалабасига Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Техника имкониятларига кенг сулинган пахтакорлар 1720 гектар майдонда мўл «оқ олтин» етиштириб, ҳосилнинг асосий қисмини зангори кема бункерларидан тўкдилар. Ҳозиргача колхозда машина терими плани 108 процентдан ошириб бажарилди. Пахта йиғим-теримининг авжи қизиган кезларида дала гвардиячилари кунига йиллик планнинг 6—7 проценти миқдорида пахта тайёрташди. Йиғим-теримни муваффақиятли ўтказган колхоз механизаторлари айни кунларда ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаб келгуси йил мўл хирмони учун пухта замин тайёрламоқдалар. Суратда: йиғим-теримнинг долзарб кунларидан бир лавҳа.

А. Мальцев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Республика Олий Советининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон ССРни беш йиллигининг тўртинчи йилида иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планининг лойиҳасини ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги давлат плани қандай бажарилаётганлигини, шунингдек республиканинг 1979 йилги давлат бюджети лойиҳасини ва 1977 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисобот кўриб чиқилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари тузган депутатларнинг тайёргарлик комиссиялари иши бир неча кун мобайнида давом этди.

Депутатлар тайёргарлик комиссиялари мажлисларида ўзларининг кенг ҳуқуқларидан фойдаланиб, план ва бюджет лойиҳаларининг ҳар бир моддасини батафсил ўргандилар, Ўзбекистон ССР Госплани, республика молия министри, бошқа министрлик ва идоралар сессияга тайёргарлик тариқасида тақдим этган тегишли ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилдилар. Депутатлар СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларининг талабларига мувофиқ белгиланган планларнинг бажарилишига доир масалаларга, доимий комиссиялар бундан аввал министрлик ва идораларнинг раҳбарларига берган тавсияларнинг амалий жиҳатдан рўёбга чиқарилишига алоҳида эътибор бердилар.

Депутатлар партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган вазифаларга амал қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун барча резервлар ва имкониятларни ишга солиш тўғрисида, хом ашё ва материалларни, ёқилғи ва электр энергиясини тежаб сарфлаш ҳақида батафсил гаплашиб олдилар.

Енгил саноат, пахта тозалаш, мебель, ёғочсозлик саноати ва энергетика, озиқ-овқат, гўшт, сут ва маҳаллий саноат, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати тайёргарлик комиссияларининг мажлисларида беш йилликнинг учинчи йилида умуман халқ хўжалиги тармоқларида юқори кўрсаткичларга эришилганлигига қарамай, бир қанча корхоналарда маҳсулотнинг турлари бўйича берилган топшириқлар бажарилмаётганлиги, машина-ускуналарнинг бекор туриб қолишига йўл қўйилаётганлиги, ишлаб чиқариш қувватлари секинлик билан ўзлаштирилаётганлиги қайд этилди. Капитал қурилиш учун ажратилган маблағларни турли объектларга сочиб юбориш фактлари ҳали ҳам бор.

Сув хўжалиги тайёргарлик комиссияси ерларни ўзлаштириш суръатларини жадаллаштиришга қаратилган амалий таклифларни айтди. Ана шу комиссиянинг ва қишлоқ хўжалиги тайёргарлик комиссиясининг мажлисларида суғориладиган майдонларнинг ҳар бир гектаридан олинадиган самарани янада ошириш, пахта, ғалла, гўшт, сут, сабзавот, мева, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни жадал кўпайтиришни таъминлаш муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, табиатни ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, халқ маорифи, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш, коммунал хўжалик ва маиший хизмат тайёргарлик комиссияларининг мажлисларида меҳнат ва моддий ресурслардан, бюджет ажратмаларидан яхшироқ фойдаланиш билан боғлиқ муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги плани ва давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари юзасидан тайёргарлик комиссияларининг мажлисларида кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

Тайёргарлик комиссиялари келгуси йилнинг план ва бюджет лойиҳалари юзасидан министрлик ва идораларнинг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг кўриб чиқдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениеси ва партия комитетининг қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида юқори сифатли ремонт қилиш ва 1979 йил кўкламги дала ишлари учун тайёрлаб қўйиш юзасидан белгиланган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетларига, колхоз-совхозларнинг партия ташкилотларига Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениеси ва партия комитети белгиланган тадбирларни областдаги барча хўжаликларда кенг муҳокама қилиш, 1979 йил кўкламги дала ишлари учун қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида ва юқори сифатли ремонт қилиб, тайёрлаб қўйиш юзасидан амалий чоралар белгилаш ва амалга оширишни таъминлаш топширилди.

Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасига, «Ташсадвинсовхоз» трестига ,«Ташоблсельхозтехника» область ишлаб чиқариш бирлашмасига ва унинг жойлардаги органларига эҳтиёт қисмлар ва ремонт материаллари етказиб беришда колхоз ва совхозларга амалий ёрдам кўрсатиш, механик устаханалар, ремонт корхоналари ишини яхшилаш ва шу йўл билан 1979 йил кўкламги дала ишлари учун қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларини ўз вақтида сифатли ремонт қилиб тайёрлаб қўйиш вазифаси юклатилди.

«Ташоблсельхозтехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ремонт корхоналарининг 1979 йил кўкламги дала ишлари учун қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларини ўз вақтида юқори сифатли ремонт қилиб тайёрлаб қўйиш соҳасидаги иш тажрибаларини кенг ёритиб бориш вазифаси топширилди.

Шаҳар партия комитетларига келгуси йил кўкламги дала ишлари учун қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларини ремонт қилиш ва тайёрлашда колхоз, совхозларга саноат корхоналарининг оталиқ ёрдамини кучайтириш топширилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига илғор колхоз ва совхозлар,

(Охунбобоев номли колхоз тадбирлари газетамизнинг учинчи бетида эълон қилинмоқда).

ТОШКЕНТ РАЙОНИ САБЗАВОТКОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Тошкент районининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари беш йилликнинг зарбдор йилида ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришга эришдилар.

Бу йил район бўйича биринчи марта давлатга 100 минг тонна сабзавот, 16,5 минг тонна картошка, 6,1 минг тонна узум, 8,1 минг тонна мева топширилиб, оширилган юксак социалистик мажбурият ҳам муваффақиятли бажарилди.

Эришилган бу ғалабага Навоий номли, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Ленин йўли» колхозлари ҳамда Р. Р. Шредер номидаги мевачилик-узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти коллективлари катта ҳисса қўшдилар.

Районда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда ҳам янги марралар эгалланмоқда. 11 ой давомида давлатга пландаги 7450 тонна ўрнига 8500 тонна сут, 490 тонна ўрнига 640 тонна гўшт, 455 минг дона ўрнига 900 минг дона тухум, 30 тонна ўрнига 59 тонна жун топширилди. Чорвадорлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охирига қадар яна 500 тонна сут, 20 тонна гўшт топшириш учун курашмоқдалар.

Шу кунларда район қишлоқ меҳнаткашлари кузги-қишки тадбирларни кучайтириб юбордилар. Улар келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин тайёрлаш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

ПАРРАНДАБОҚАРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Оржоникидзе районидаги «Ҳимик» совхози коллективи улкан ғалабани қўлга киритди. Совхоз маҳсулот тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин ортиғи билан бажарди. Паррандабоқарлар пландаги 290 ўрнига 301 тонна пархез гўшти етиштириб беришди. 600 минг ўрнига 715 минг дона тухум сотилиб, бу соҳадаги топшириқ 123 процент қилиб адо этилди.

Совхозда боғлардан ҳам юқори ҳосил етиштирилди. 590 тонна хўл мева сотилиб, йиллик план 114,1 процент қилиб адо этилди. Соҳиокорлар савдо шохобчаларига 423 тонна ширин-шакар узум жўнатдилар.

Коллектив эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, 1979 йилга пухта замин яратиш учун барча чора ва тадбирларни амалга оширмоқда.

ҚИШЛОҚЛАР ЧИРОЙИНИ ОЧАЁТГАНЛАР

ОБЛАСТИМИЗДА қишлоқ қурилиши йил сайин кенгайиб бормоқда. Деярли барча колхозлар ва совхозларда янги-янги ишлаб чиқариш объектлари, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар қад кўтармоқда. Бу қишлоқ меҳнаткашларининг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга олиб келмоқда.

Ана шу шарафли ва айни вақтда масъулиятли вазифани амалга оширишга 23-қурилиш трести бунёдкорлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар пойтахт областимиз қишлоқларида кенг ҳажмдаги яратувчилик ишларини амалга оширишяпти. Ҳар йили ўнларча миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштириб, бунинг эвазига кўплаб турли-туман объектлар ва иншоотларни фойдаланишга топширмоқдалар.

Трест бинокорлари, айниқса, ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида самарали ишлашди. Зиммага юклатилган вазифанинг юксак масъулиятини чуқур ҳис қилиб, қурилиш ишларини жадал ва сифатли олиб боришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда социалистик мусобақа авж олдириляпти.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илғор иш усулларини қўлланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, бинокорлик асбоб-ускуналарини жорий қилиш ҳисобига қўл меҳнати сарфини камайтириш юзасидан жуда кўп тадбирлар амалга оширилди. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишга эътибор кучайтирилди. Объектларни бинокорлик материаллари билан таъминлаш анча яхшиланди. Кўпинча ишчи кучлари ва моддий-техника ресурслари фойдаланишга топшириладиган объектлар қурилишига сафарбар этилди.

Кўрилган ана шундай ташкилий-техникавий тадбирлар коллектив меҳнати натижасининг баракали бўлишига салмоқли ёрдам бермоқда. Шу туфайли ҳам капитал маблағ ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича йиллик топшириқлар муваффақиятли адо этилмоқда.

Эндиликда трест областимиздаги пешқадам ишлаб чиқариш бўлинмаларидан бўлиб қолди. Иши билан сўзи бир бунёдкорлар областимиз қурилиш ташкилотлари ўртасида биринчилар қатори уч йиллик планни бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

Бинокорларнинг ана шу вақт мобайнида амалга оширган иш ҳажми анча салмоқли бўлди. Ҳаммаси бўлиб 62 миллион сўмликдан зиёд пудрат ишлари бажарилди. Бу уч йиллик планда назарда тутилганидан бир неча юз минг сўмлик кўпдир. Қурувчилар областимиз қишлоқ районлари марказларида, колхоз ва совхозларда юзлаб турли-туман объектларни фойдаланишга топширдилар.

Беш йилликнинг ўтган йиллари давомида салкам 57 минг квадрат метр турар-жой бинолари қўлдан чиқарилди. Уларда минглаб оилалар ҳовли тўйлари ўтказишди. Бундан ташқари, жами салкам 2 минг ўринли мактаблар, 330 ўринли болалар боғчалари, ясли-лари ва бошқа қатор маданий-маиший муассасалар қурилди. Бир қанча чорвачилик объектлари ҳам барпо, этилди. Ҳаммаси бўлиб 3600 бош қорамолни парвариш қилишга мўлжалланган комплекслар ишга туширилди. Шунинси тақдирга сазоворки, объектларнинг, айримлари муддатидан илгари қуриб битказилди, ҳамда қабул комиссиясининг яхши баҳосига сазовор бўлди. Бундай объектлар орасида Назарбек қишлоғида қад кўтарган замонавий мактаб биноси ҳамда ҳунар-техника билим юрти корпуслари бор.

Трест коллективи РСФСР-нинг ноқоратупроқ зонасини юксак ривожланган қишлоқ хўжалик районига айлантириш юзасидан бораётган умумхалқ курашида ҳам фаол қатнашмоқда. Бу коллектив вакиллари Новгород областида янги объектлар қуриш, турар-жойларни барпо этишда катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишяпти. Беш йиллик бошидан бери бу ерда ҳаммаси бўлиб 5 миллион 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Новгород областида ҳар йили 67 минг куб метр керамзит-бетон ишлаб чиқарувчи завод қурилишида ҳам бинокорлар фаол қатнашдилар. Коллектив фаолиятининг бошқа қатор техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам яхшиланиб бормоқда. Ҳар бир ишловчи ҳисобига бажарилган иш миқдори ўтган йилдагига нисбатан 6,6 процент ортди. Бинокорлик механизмларидан фойдаланиш яхшиланди, ишнинг сифат кўрсаткичларида ҳам силжиш бўлаяпти.

Коллектив ютуқларига бригада пудрати асосида ишлаётган бригадалар коллективлари самарали ҳисса қўшмоқдалар. Бундай бригадалар коллективлари оддий бригадаларга нисбатан анча унумли ва сифатли меҳнат қилишяпти. Уларнинг кўрсаткичлари 20—30 процент ортиқ бўлмоқда. Ҳ. Саидазимов, С. Довбеков, Р. Сулаймоновлар раҳбарлик қилаётган ва бошқа қатор бригадалар шулар жумласидандир. Уларнинг меҳнат календарида ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили ва ўн биринчи беш йилликнинг тўнғич йили бошланганига анча бўлди. Трест бўйича ўн бешдан ортиқ бинокорлар бригадалари бешйиллик план-топшириқларини бажардилар ёки бажариш арафасида турибдилар.

Бундай бригадаларда меҳнат яхши ташкил этилган. Вазифалар аъзолар ўртасида аниқ белгилаб олинган. Иш олдидан тузилган режа асосида олиб борилади. Бинокорларнинг кўпчилиги бир нечтадан ҳунарни эгаллаб олишган. Кўпчилик 4—5 тадан касб эгаси. Худди шу туфайли ҳам уларнинг иш натижалари йил сайин баракали, топшириқни бажаришда эришаётган ютуқлари эса салмоқли бўлаяпти.

Сўнгги йилларда трест моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида кўрилаётган тадбирлар ҳам коллектив фаолиятига ижобий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Чунки, мустаҳкам базанинг бўлиши қурилиш объектларини турли-туман бинокорлик материаллари билан таъминлашни кескин яхшилади.

Ҳозир трест ихтиёрида қурилиш материаллари тайёрлаб берувчи бутун бир комбинат бор. Бу корхона ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин, шунга қарамай бир қанча бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бундай материаллар тайёрлаш ҳажми ҳам ортиб боряпти. Комбинат ишга тушган дастлабки йили 1 миллион 200 минг сўмлик ром, эшик, турли конструкциялар тайёрлаб берган эди. Эндиликда ишлаб чиқариш ҳажми икки баравардан зиёд ортди, тайёрланаётган материаллар тури ҳам кўпайди. Комбинат коллективи трест бинокорлари билан баравар қадам ташламоқда. Бу ерда ҳам уч йиллик план барвақт бажарилди. Шу давр мобайнида қўшимча 2 минг квадрат метрдан ортиқ дурадгорлик материаллари, 500 тоннадан кўпроқ металл конструкциялари ва бошқа материаллар тайёрланди.

Пешқадам коллектив шу кунларда қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва зарбдор йилни зарбдорчасига якунлаш учун социалистик мусобақани янада авж олдиряпти. Бунёдкорлар йил охиригача уч йиллик пландагидан ташқари 3 миллион 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга аҳд қилишди. Улар ана шу ваъданинг ҳам тўла удасидан чиқиш учун зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти. Бинокорларга ана шу яратувчилик ишларида катта-катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ш. ШОАЛИМОВ, М. МАҲМУДОВ.

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Я. П. РЯБОВ ЎЗБЕКИСТОНДА

КПСС Марказий Комитетининг секретари Я. П. Рябов Ўзбекистон ҳаёти билан танишишни давом эттириб,

8 ва 9 декабрь кунлари Бухоро ва Навоий шаҳарларида бўлди. У Навоий электрохимия заводининг қурилишини кўздан кечирди, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасини ва бошқа корхоналарни бориб кўрди. Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг ишлаб чиқарилишига, қишлоқ хўжалиги учун қимматли бўлган ана шу химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболларига катта эътибор берилди. Я. П. Рябов уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар қурилиши билан қизиқди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири В. В. Листов, СССР химия саноати министри Л. А. Костандов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. С. Шкрябин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев ўртоқлар Я. П. Рябов билан бирга бўлишди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети СССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал-полковник Степан Ефимович **Белоножко** узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ИШЧАНЛИК ВА ЖАНГОВАРЛИК—БОШ МЕЗОН

(ФРУНЗЕ)

Конференциянинг бошланишига ҳали вақт бор. Делегатлар тўқимачилар маданият саройи фойесига қўйилган экспонатларни бирбир кўздан кечириб, ҳаёлан ўтмишга саёҳат қилмоқдалар, ўзаро суҳбатлашиб, беш йилликнинг уч йили мобайнида эришган ютуқларини ўртоқлашмоқдалар.

Район коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг ўтган даври мобайнида ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми қисқа вақт ичида 5.2 процент ошди. Беш йиллик бошидан бери планга қўшимча 16 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноатчилар 4 ноябрда уч йиллик социалистик мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

Бу муваффақиятлар партия ташкилотлари олиб бораётган катта сиёсий, хўжалик ва тарбиявий ишлар самарасидир. Бошланғич партия ташкилотлари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, техникани тараққий эттириш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш билан алоҳида шуғулланмоқдалар. Бу соҳада «Таштекстильмаш» заводи партия ташкилоти бажараётган ишлар диққатга сазовордир. Ҳисобот даврида заводда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 29 процент ортди. 58 процент маҳсулот давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Умуман район бўйича ҳозир 54 хил маҳсулот давлат сифат белгисини олган. Бу беш йилликнинг биринчи йилига нисбатан 2,5 марта кўпдир. Новаторларнинг активлиги билан корхоналарда 96 хил янги машина ва прибор, 370 хил модель ва фасонда маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Кенг истеъмол товарлари тайёрлаш уч йилда 23 процентга кўпайди.

Коммунистлар техниканы тараққий эттиришда, ишлаб чиқаришга илғор фан ютуқларини жорий этишда актив қатнашмоқдалар. Ҳисобот даврида янги техника бўйича 1600 та ташкилий-техник тадбирлар ҳамда планлар жорий қилинди. Бунинг эвазига 13 та цех ва участка комплекс механизациялаштирилди.

Ишчилар ўртасида ҳозир мусобақанинг турли формалари қарор топган. Айниқса қолоқларсиз ишлаш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. 40 та корхона, 168 та цех, 272 та участка, 1858 та бригада ва 32 мингдан ортиқ ишчи мана шу ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этаяпти. Мусобақа қудрати билан 121 киши ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Кўплаб коллективлар СССР Конституциясининг бир йиллигигача уч йиллик планни бажариб қўйди.

Фрунзе район партия конференциясида ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари **С. У. Султонова** ютуқларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни беш йилликнинг ўтган даври мобайнида бажарилмай қолган ишларга, ғалдаги вазифаларга қаратди.

Район саноат корхоналари ўтган даврда мўлжалдагидан 37 миллион сўмлик маҳсулотни кам ишлаб чиқардилар ва реализация қилдилар. Бу нуқсон айниқса Тошкент тўқимачилик комбинатида сезилмоқда. Комбинат цехларида ишчи кучининг камлиги учун ҳам кўпгина ускуналар бекиш турибди. Ишчиларнинг маҳсоратини оширишга қаратилган тадбирлар бажарилмаяпти. Бунинг устига кўнимсизлик авжига минган.

Бинокорлик материаллари комбинатида эса тайёрланган маҳсулотнинг бир қисми бракка чиқиб кетяпти. Ўтган давр мобайнида корхона брактан 260 минг сўмлик, абразив буюмлари комбинати эса 815 минг сўмлик зарар кўрди.

Докладчи қурилиш сифатини бутун чоралар билан ошириш лозимлигини уқтирди. Юлиус Фучик кўчасида қурилган 125-боғча ҳозиргача кунда авария ҳолатига тушиб қолган. Уни бундан икки йил муқаддам 153-трест қурувчилари фойдаланишга топширишган эди. Иш технологияси бузилганлиги, жараёнлар сифатсиз бажарилганлиги учун ҳам бино кўп ўтмай ишдан чиқди. 73-мактаб қурилишида ҳам шундай нуқсонлар содир бўлди. Қурилиш партия ташкилотлари иш сифатини ошириш устида алоҳида қайғуришлари керак.

Конференцияда идеология ишларини талаб даражасида кўтариш, пропаганда ишларини жонлантириш зарурлиги уқтирилди. Тўғри, сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим системасида олиб борилаётган машғулотлар йил сайин яхши самара бераяпти. 22 мингдан ортиқ киши ўқувнинг турли формаларига жалб этилган. Бу соҳада «Таштекстильмаш» заводи партия ташкилоти бошқаларга намуна бўляпти. Заводдаги 112 пропагандистдан 72 киши раҳбар кадрлардир. Уларнинг 50 проценти камида беш йиллик пропагандистлик тажрибасига эгадир.

Бошқа корхоналарда ҳам ғоявий-сиёсий тарбияга катта эътибор берилмоқда. Бу йил 8 мингдан ортиқ тингловчи шахсий муқобил план қабул қилди. 2.5 минг тингловчи эса иқтисод қилиш бўйича шахсий ҳисоб очди. Бу албатта иқтисодий таълим самарасидир.

Лекин шунга қарамай бу соҳадаги ишлар ҳали талаб даражасида эмас. Абразив буюмлар комбинати, «Илғор» бирлашмаси, райпишчеторг ва бошқа жойларда сиёсий ўқув ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Машғулотлар информацион характерда бўлади. Ўтилаётган тема конкрет ҳаёт билан боғланмайди. Химчистка фабрикаси, пластмасса буюмлари ва машиний химия заводида пропагандистлар танлашга панжа орасидан қаралмоқда. Сиёсий ўқув машғулотларини ўтказиш дуч келган киришга топширилмоқда. Машғулотнинг сифати энг аввало пропагандистнинг тажрибаси ва савиясига боғлиқ эканлигини наҳотки бу корхоналарнинг партия ташкилотлари билмаса?!

Ҳалқ университетлари ишини яхшилашга қаратилган тадбирлар ҳам районда қониқарсиз бажарилмоқда. Ҳозирги кунда 11-техника билим юрти ҳузурида биргина ҳуқуқ билимлари университети ишлаб турибди, холос. Илмий-атеизм, СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларини ўрганиш, турмуш маданиятини пропаганда қилиш бўйича университетлар ташкил қилиш тўғрисида гап боради-ю, аммо неча йиллардан буён амалга ошмайди.

Докладчи ва музокарада қатнашган делегатлар хўжаликка партия раҳбарлигини такомиллаштириш, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги ҳамда ишчанлигини ошириш, оммавий-сиёсий ишларни талаб даражасида ташкил этиш лозимлигини уқтирдилар. Ҳозир меҳнат, аҳлоқий ва сиёсий тарбияни бирга қўшиб олиб боришдек муҳим вазифа кўйилмоқда. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумида ҳам худди шу ҳусусида гап борди.

— Корхонамизда катта реконструкция ва қурилиш ишлари давом этмоқда, — деди музокарада қатнашган Тошкент тўқимачилик комбинати директори **О. Бурхонов.** — Ўрнатилаётган янги ускуналар маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш имконини бермоқда. Барча участкаларда қолоқларсиз ишлаш ташаббуси кенг қўллаб-қувватланяпти. Мусобақа голибларидан В. Солдатова, В. Ершова ҳозир 6 йиллик планни бажариб қўйишди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жўраева, унинг сменадоши Л. Герасимова ва бошқа илғорлар беш йиллик маррасига етдилар.

Пешқадам коммунистлар ҳиссаси билан комбинатда зарбдор йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида қарийб 1,5 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан буён ҳам тайёрланаётган маҳсулотни кўпайтириш имкониари бор. Бунинг учун таъминотни яхшилаш, реконструкция ишларини тезроқ тугаллаш лозим.

Делегатлар «Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари **В. С. Гопаненко** сўзини диққат билан тинглашди. Нотиқ тарбиявий ишга комплекс ёндашув самаралари ҳақида, хўжаликка партия раҳбарлигини такомиллаштириш, ғоявий-сиёсий ишлар савиясини ошириш соҳасида тўпланган тажрибалар тўғрисида гапирди.

Ишчилар мусобақанинг турли формаларига жалб этилган. Ҳозирги кунда 1650 киши қолоқларсиз ишлаш ташаббусига қўшилган. Икита цех, 12 та бригада, 501 киши СССР Конституциясининг бир йиллигигача уч йиллик топшириқни бажарди. Бу ютуқда коммунистлар ҳиссаси алоҳидадир. Кейинги йилларда илғор ишчилардан 119 киши партия аъзолигига қабул қилинди.

103-автокорхона ҳайдовчиси **Ш. Мирвоҳидов** минбарга чиқади. У конференция делегатларига уч йиллик юк ташиш плани бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Автокорхона ҳайдовчилари йил охиригача яна 110 минг тонна халқ хўжалигига ортиқча маҳсулот етказиб беришга қарор қилдилар.

1-пойафзал фабрикаси касаба союз комитетининг раиси **Р. Мусаева,** абразив буюмлари комбинати цех партия ташкилоти секретари **В. М. Кораткова,** район комсомол комитетининг биринчи секретари **А. Акромхўжаев** ва бошқалар жамоат ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш, қўйи ячейкалар ишчанлиги ва жанговарлигини ошириш, партия ташкилотлари сифат составини яхшилаб бориш лозимлигини уқтирдилар. Республика енгил ишлар министри **Х. Х. Яҳёев** ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, жиноятчиликка қарши курашда, ҳуқуқ билимларини пропаганда қилишда партия ташкилотлари ўйнаётган роль тўғрисида гапирди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси **Н. М. Матчонов** нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди, район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

* * *

Фрунзе район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **С. У. Султонова** район партия комитетининг биринчи секретари, **А. М. Сергеев** район партия комитетининг иккинчи секретари, **М. Х. Умаров** район партия комитетининг секретари **Э. Азимов** меҳнаткашларнинг куч-ғайратини оқилона план ва социалистик мажбуриятларини бажаришга сафарбар этишда партия ташкилоти тўпланган тажриба ҳақида гапириб берди.

Конференцияда сўзга чиққан бошқа ўртоқлар ҳам КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь Пленумлари қарорларини амалга ошириш юзасидан район меҳнаткашлари олдида турган вазифалар ҳақида тўхталдилар.

Конференцияда Тошкент область партия комитети бюро аъзоси, ҳалқ депутатлари область совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **С. Т. Тошқулов** нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Шунингдек, район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари ва область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Бўлиб ўтган район партия комитетининг ташкилий пленумида **А. С. Икромов** район партия комитетининг биринчи секретари, **Г. Г. Внучков** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Ф. А. Исроилова** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Ж. НОСИРОВ.

КАДРЛАРГА ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

(ҲАМЗА)

Делегатлар ва меҳмонлар фойега қўйилган стендлар ҳамда танаффус вақтида кўрсатилган «Ҳамза районы конференциядан конференцияга» ҳужжатли фильмни томоша қилиб, қўлга киритилган ютуқлар билан фахрландилар. Конференция қатнашчилари орасида 1978 йилги СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган Тошкент тажриба ремонт-механика заводининг токари Юсуфжон Маҳмуджонов, Тошкент уйсозлик комбинати йирик панелли биринчи уйсозлик заводи бетончилар бригадири Исмоил Ориповлар ҳам бор эди. Ана шундай ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг фидокорона меҳнати туфайли ҳамзаликлар беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини муntазам бажариб келмоқдалар.

Ҳисобот даврида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 141 процентга ўсди. Бу ўнинчи беш йиллик топшириғидан 7,5 процент юқоридир. Усишнинг 86 процентдан кўпроғига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Беш йиллик бошидан буён район планга қўшимча 104 миллион сўмдан кўп саноат маҳсулоти реализация қилди.

Кейинги уч йил ичида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган янги буюмлар ва машиналарни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ингичка толали пахтани ҳамда пахтани яруслаб теришга мўлжалланган комбайнларнинг учта янги маркасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кўтарма транспорт механизмларнинг бир мунча такомиллашган маркалари, пайвандлаш трансформаторлари, универсал пресслар кўплаб тайёрлана бошлади. Бу лар районда кейинги йилларда саноат корхоналарини реконструкция қилиш бўйича олиб борилган катта ишлар самарасидир. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Ташсельмаш», «Ташэлектромаш», енгил металл конструкциялар, электромонтаж буюмлари заводида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. 22 та саноат корхонаси янги техника, прогрессив технологияни жорий этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани кенг авж олдириш ҳисобига меҳнатчилар сонини оширмай туриб, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга эришди.

Бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш экономикасига чуқурроқ кириб борадиган бўлиб қолдирди, техника тараққиёти, ишлаб чиқаришга раҳбарлик даражасини оширишга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Ҳозирги вақтда районда 34 хил буюм давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Бу буюмлар ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 43 процентдан ортиғини ташкил этади.

Социалистик мусобақада эришган муваффақиятлари учун район икки йилдан бери республика кўчма Қизил байроғини қўлга киритмоқда. Тўртта корхона эса: Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, 4-нон маҳсулотлари комбинати ва «Ўзсельхозтехника» тажриба ремонт механика заводи коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирландилар.

Бугунги кунда «Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарамиз», «Ёш ишчи мураббий даражасига етсин», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остидаги ташаббуслар кенг ёйилган. Районда ўн икки минг ишчи, 5 корхона, 22 цех, 12 участка ва 148 бригада москваликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб беш йилликнинг уч йили планларини СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача бажардилар. Қурувчилар орасида свердловскларнинг ташаббуси издошлари кўпаймоқда.

Ҳамза район партия комитети биринчи секретари **А. С. Икромов** қилган ҳисобот докладида ва делегатларнинг нутқларида шу нарса таъкидландики, ҳар бир коллектив пухта ва аниқ ишлаганда, саноатни бошқаришни такомиллаштириш борасидаги катта резервлар тўла ишга туширилганда план ва меҳнат интизоми мустаҳкамланганда муваффақиятлар бундан ҳам юқори бўлур эди.

Ўн иккита корхона шу йилнинг ўн ойи социалистик мажбуриятларини бажара олмади. 2-темирбетон буюмлари заводи эса ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини уддалай олмади, тўрт корхона ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборди. «Ташсельмаш» заводи, парфюмерия-косметика фабрикаси, 6-темирбетон буюмлари заводи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик планларини бажармадилар.

Ишлаб чиқаришда кўплаб иш вақти бехуда кетмоқда. Биргина 1977 йилнинг ўзида 173,6 минг киши-соат йўқотилди, бу ҳар бир меҳнатчига ҳисоблаганда 3,5 кун демакдир. Айниқса, вентиляция буюмлари заводида, 1-, 2-уйсозлик комбинатларида кўп иш вақти йўқотилмоқда.

Докладчи ҳам, музокарада сўзлаган делегатлар ҳам кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Шуниси диққатга сазоворки, ҳозирги вақтда раҳбарлик лавозимларига ўз фаолиятини оддий ишчидан бошлаган ишчилар кўпроқ кўтарилмоқда. Йигирув фабрикаси ишчисига шогирдликдан енгил металл конструкциялар экспериментал заводи директоригача бўлган йўлни босиб ўтган Анвар Ўринбоев, фаолиятини ишчиликдан бошлаб 4-нон маҳсулоти комбинати директори даражасига етган Александр Иванов, тепловоз машинисти ёрдамчисидан ҳунар-техника билим юрти директори лавозимига кўтарилган Ўткир Камолиддинов ва бошқа ўртоқларнинг номлари тилга олинди. Бир қатор ёш мутахассисларни район партия комитети дадиллик билан масъул ишларга тавсия этди. Улар ўзларига топширилган вазифани муваффақиятли ҳал этмоқдалар.

Шу билан бирга партия ва давлат интизомини бузаётган, раҳбар деган юксак номга доғ тушираётганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, 14-ҳунар-техника билим юрти директори Т. Назабов қўл остидагиларга антипедагогик усулда таъсир кўрсатиб келганлиги учун ўз вазифасидан бўшатилиб, қаттиқ жазоланди. Райпишчеторг ишига етарли раҳбарлик қилмагани, совет савдо қоидаларини бузганлар билан келишиб келгани учун торг директори И. Мансуров қаттиқ вижговор олди ва вазифасидан четлатилди. Молиявий фаолиятни бузганлиги учун 2-темир-бетон буюмлари заводи директори Ю. Вишняков вазифасидан бўшатилди.

Район партия комитети, айрим бошланғич партия ташкилотлари, баъзи раҳбарлик, инженер-техник лавозимларини етарли билими бўлмаган одамлар эгаллаб турганлигига муросасизлик килмоқдалар. Шуниси афсуслантирадики, бундай раҳбарларнинг кўплари ҳеч қаерда ўқимайдилар, ўз умумий таълим савиясини, ишмалакаларини оширмайдилар. Жумладан, 6-темирбетон буюмлари, санитария техника ускуналари заводларида, 2-нон маҳсулотлари комбинатида, 1-ун заводида, қоғоз фабрикасида бир қатор цех бошлиқлари лавозимида маҳсус билимга эга бўлмаган кишилар ишлаб турибди.

Тошкент Давлат медицина институтининг ректори **У. Орипов,** 60-мактаб ўқитувчиси **И. Синельникова,** ёшларга билим бериш, тарбия ишларидаги нуқсонларга тўхталдилар. Конференцияда таъкидланганидек, студентлар, техникум талабалари ўртасида ўқиш сифатини ошириш, таълим-тарбия ишини замон талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш лозим. Партия, совет касаба союз ташкилотлари, ўқув юртларининг раҳбарлари ёш авлодга таълим-тарбия беришда педагог кадрлар масъулиятини оширишлари керак.

Делегатлардан **Чкалов** номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари **Ф. Нажмиддинов,** тепловоз депосининг машинисти **А. Матвеев,** 2-автопарк ҳайдовчиси **Э. Азаматов** ўртоқларнинг нутқлари тежамкорлик учун кураш, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва ишга солиш борасида, меҳнаткашларнинг турмуши ва дам олишини ташкил этишда касаба союзлари фаолиятини яхшилаш лозимлигига қаратилди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Л. И. Греков** нутқ сўзлади.

Конференцияда район партия комитетининг, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Бўлиб ўтган район партия комитетининг ташкилий пленумида **А. С. Икромов** район партия комитетининг биринчи секретари, **Г. Г. Внучков** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Н. И. Иброҳимова** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

С. МУСАЕВ.

ДОИМООЛҒА ИНТИЛАЙЛИК

КАЛИНИН

КАЛИНИН районы саноатчилари, сабзавотчилари, соҳибкор ва чорвадорлари йил сайин ютуқлар кўламини кенгайтирмоқдалар. Улар КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди белгилаб берган режаларни юксак активлик, ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан амалга ошириб, ишлаб чиқаришга фан техника ҳамда илғорлар тажрибасини дадил жорий этмоқдалар. Шунинг учун ҳам халқ хўжалигини юксалтириш соҳасида юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ҳисобот даврида қилинган ишлар бунга ёрқин мисолдир.

Бу даврда оммавий-сиёсий, партиявий-ташкилий, тарбиявий ишларнинг туб моҳияти олинган план ва социалистик мажбуриятларни ортиғи билан адо этишга қаратилди. Районда саноат маҳсулотларини реализация қилиш уч йиллик плани 102,8 процент бажарилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати тобора яхшиланмоқда. Зарбдор йилнинг 10 ойи мобайнида эса саноат корхоналари халқ хўжалик планини 103,5 процент бажардилар.

Бу жиҳатдан Тошкент гўшт комбинати, «Дамачи» балиқчилик комбинати коллективлари олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир.

— Лекин саноат корхоналари ишида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас,—деди конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари **Р. Қамбаров.** — Баъзи корхоналар белгиланган план-топшириқларини жуда суст бажармоқдалар. Меҳнат тўғри ташкил этилмаётганлиги, иш якунлари вақти-вақти билан чуқур таҳлил этилмаслиги туфайли бундай камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар саноат ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, бу соҳадаги камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш ҳақида тўхталиб ўтиш билан бирга район кишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эришаётган ютуқларни алоҳида фахр билан тилга олдилар.

Дарҳақиқат ҳисобот даврида қишлоқ хўжалигига партиявий раҳбарликни кучайтириш, унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, далаларда, фермаларда ишлаётган бойлик яратувчи азаматларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Район 1977 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг байроғини олишга сазовор бўлди.

Уч йил ичида районда пландаги 224650 тонна ўрнига 313650 тонна ёки пландагидан 89000 тонна кўп сабзавот 20320 тонна ўрнига 27860 тонна картошка, 1735 тонна ўрнига 4885 тонна дон, 8700 ўрнига 10150 тонна полиз, 23775 тонна ўрнига 36330 тонна мева, узум ҳамда бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Шундай қилиб, районда давлатга сабзавот, картошка сотиш тўрт йиллик халқ хўжалик плани уч йилда ортиғи билан адо этилди. Мева ва дон етиштириш бўйича беш йиллик план уч йилда адо этилди.

Бу жиҳатдан «Хасково», «Бўзсув» совхозлари, «Москва», Оржоникидзе номли, Калинин номли, «Партия XX съезди» колхозларида, «Партия XXI съезди» совхозида бой тажриба тўпланди.

Конференцияда зарбдор йилда район партия ташкилоти, бошланғич партия ташкилотлари томонидан олиб борилган ишлар, аниқса қувончли натижалар берганлиги алоҳида қайд қилинди. Колхоз ва совхозларда мусобақага раҳбарлик савияси тубдан яхшиланди. Оммавий-сиёсий тарбиявий, партиявий-ташкилий ишлар юксак даражага кўтарилди. Ҳамма ерда коммунистлар ишга бош-қош бўлдилар. Шунинг учун ҳам бу йилги ютуқлар салмоғи анчагина залворли бўлди. Давлатга 120 минг тоннадан ортиқ сабзавот топширилди. Ҳамма колхоз ва совхозлар, деярли барча бригадалар давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Бундай муваффақиятга қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ва интенсивлаштириш — ҳосилдорликни ошириш туфайли эришилмоқда.

Социалистик мусобақа жараёнида илғорлар сафи кенгайди. Конференцияда «Бўзсув» совхозидан Алишер Ғаффоров, Оржоникидзе номли колхозидан Юсуп Рўзиев, Абдулла Нуржонов, Калинин номли колхозидан Боқи Фозилов, «Партия XX съезди» колхозидан Зуҳур Юсупов, «Москва» колхозидан Раҳмат Хомиджонов, «Қорасув» совхозидан Абдураҳим Шерматов, Свердлов номли совхозидан Ойхўжа Раҳметов ва бошқа ўртоқларнинг номлари алоҳида ҳурмат билан тилга олинди.

Конференцияда ютуқлар кўламини кенгайтириш учун ички резервлар ва имкониятлардан ҳар тарафлама тўла фойдаланиш зарурлиги алоҳида қайд қилинди. Негаки, айрим бригада ва бўлимларда ҳосилдорлик паст. Сабзавотнинг турлари бўйича план-топшириқлари бажарилмаётир. Райондаги мавжуд 172 та сабзавотчилик бригадасининг 52 тасида картошка ва сабзавот ҳосилдорлиги районнинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлиб қолмоқда. Агар шу бригадаларда ҳосилдорлик районнинг ўртача кўрсаткичидан 20 процентгача кўпайтирилганда эди, у ҳолда 1976—1978 йилларда қўшимча 3507 тонна картошка, 16256 тонна сабзавот ҳосили олинган бўлар эди.

Механизациядан фойдаланиш даражаси ҳамма соҳаларда ҳам бир хил, деб айтиб бўлмайди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида чорвачиликни комплекс ривожлантириш соҳасида бир мунча ишлар қилинганлигини қайд қилдилар. Район чорвадорлари Ўзбекистон Компартиясининг X пленуми қарорлари асосида 1978—80 йилларда чорва маҳсулотлари етиштиришни икки баравар кўпайтириш учун курашмоқдалар.

— Зарбдор йилда пландаги 7600 тонна ўрнига 10 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 1600 ўрнига 2116 тонна картошка топширдик ва социалистик мажбуриятимизни ортиғи билан бажардик, — деди конференцияда сўзга чиққан «Хасково» совхозининг директори ўртоқ **Т. Бекматов.**

Сўнгра у бундай ютуқларга қандай қилиб эришилаётганлигини сўзлаб берди. Хўжалик карталари йириклаштирилган. Бу эса механизациядан унумли фойдаланиш имкониятини бермоқда. Полиэтилен плёнкаларидан фойдаланиб, мўл ва эртаги маҳсулот етказмоқдамиз.

Оржоникидзе колхози сабзавоткорлари кейинги 2—3 йил ичида ҳосилдорликни кескин оширишга муваффақ бўлдилар.— Бригадамиз аъзолари,— дейди ана шу колхознинг бригада бошлиғи **Юсуп Рўзиев.**— Ҳар гектаридан 521 центнердан помидор, 378 центнердан карам, 305 центнердан пиёз ҳосили олдилар. Келгуси йилда бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун шу кунлардан бошлаб қизғин тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган «Қорасув» давлат наслчилик паррандачилик заводининг ишчилари эришаётган ютуқлар ҳақида шу завод директори **А. П. Назаренко** сўзлаб берди. Завод асосий кўрсаткичлар бўйича ноябрь ойининг бошларидаёқ юксак социалистик мажбуриятни бажардди.

— Областимизнинг донгдор сут соғувчилари Мунаввар Исоқова, Анастасия Чудналарининг тажрибаси асосида меҳнат қилмоқдаман, — дейди «Партия XX съезди» колхозининг сут соғувчиси **М. Турлибекова.**— Менга 20 бош сигир биркитилган. Йил охирига қадар бу сигирлардан ҳам деганда 4 минг 500 литрдан сут соғиб оламан.

Конференцияда сўзга чиққан Свердлов номли совхоз партия ташкилотининг секретари **Э. Азимов** меҳнаткашларнинг куч-ғайратини оқилона план ва социалистик мажбуриятларини бажаришга сафарбар этишда партия ташкилоти тўпланган тажриба ҳақида гапириб берди.

Конференцияда сўзга чиққан бошқа ўртоқлар ҳам КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь Пленумлари қарорларини амалга ошириш юзасидан район меҳнаткашлари олдида турган вазифалар ҳақида тўхталдилар.

Конференцияда Тошкент область партия комитети бюро аъзоси, ҳалқ депутатлари область совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **С. Т. Тошқулов** нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Шунингдек, район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари ва область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Калинин район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **Р. Қ. Қамбаров** район партия комитетининг биринчи секретари, **В. С. Коленко** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Ф. А. Исроилова** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Н. РИХСИЕВ,
А. МИРЗААҲМЕДОВ.


МУҲИМ МАВСУМ

ОБЛАСТЬ ижроия комитети шаҳар ва районларда Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш мавсумига тайёргарликнинг бориши билан танишиб чиқди. Келгуси йилда ўтказиладиган бу кампанияга область, шаҳар ҳамда районлар анча пухта ҳозирлик кўрганлар. Рўйхатга олиш бўйича ташкилий тадбирлар плани ишлаб чиқилди. Шу кунларда план асосида актив иш олиб борилмоқда. Маҳаллий статистика органларининг ходимлари, рўйхатга олиш бўлимларининг раҳбарлари учун махсус курсларда машғулотлар уюштирилди. Ҳозирги пайтда ҳам рўйхатга олиш бўлимларини амалга оширишда ҳамма жойларда ташкил этилган ҳамкорлик комиссиялари катта ёрдам бермоқдалар. Рўйхатга олиш бўлимлари ишини ва материалларни сақлашни нормал даражада бўлишини таъминлаш учун зарур бинолар, анжомлар ажратилди.

Шу билан бирга айрим шаҳарлар ва районларда бу мавсумга тайёргарлик нигилдагидек боряпти, деб бўлмайди. Хусусан, Оҳангарон, Оржоникидзе, Чиноз, Бўка, Коммунистик, Оққўрғон районларида рўйхатга олиш бўйича инструкторлар, назоратчиларни тайинлаш ва тасдиқлаш ниҳоясига етказилмаган. Бўка, Чиноз, Коммунистик районларида ҳозиргача кўчалар, турар жойлар номлари тартибга келтирилмаган.

Область ижроия комитети ана шу районлар ва шаҳарлар ижроия комитетларига бу камчиликларни бартараф этиш, узоғи билан 10 декабргача рўйхатга олиш бўлимлари ҳамда инструкторлик участкалари учун бинолар ажратиш, уларга телефон ўрнатиш ишларини топширди. Аҳоли орасида рўйхатга олишнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти тўғрисида лекция ва суҳбатлар ўтказиш изчил йўлга қўйилади. Бу мақсадда матбуот ва радиодан кенг фойдаланилади. Область маданият бошқармаси, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, кинолаштириш ва «Билим» жамияти область бўлимлари, область, шаҳар ҳамда район газеталари бу мавсумни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ишларни кенг ёритиб борадилар.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ 50 ЁШДА



САНЪАТКОР ОЛАМИ

ЛЕВ Толстой реализми ўзигача бўлган рус адабиёти, қолаверса жаҳон адабиёти эришган реализмнинг юксак чўққиси бўлган эди. Чингиз Айтматов эса қирғиз адабиётида қудратли реализмни ақл бовар қилмайдиган даражада юксакликка кўтарган улкан адиб. Бу санъаткор асарлари миллий адабиётларда социалистик реализм методининг муттасил тараққий этиб боришини, янги методнинг имкониятлари беқиёс даражада катта ва чексиз эканлигини тасдиқлайди.

Айтматов ижодкор сифатида ҳозирги замоннинг ғоят чигал ва мураккаб муаммоларига тинимсиз жавоб излар экан, унга эса биринчи навбатда ҳаётимизнинг маънавий-ахлоқий масалаларидан жавоб топади. Ҳаётнинг жуда кўп масалаларини кўриб чиқди. Уларни юксак бадиият билан кўрсатишга эришди.

Чингиз Айтматов 1928 йили Талас водийсининг Шакар овулида (12 декабрь) дунёга келди. 9 яшарида отадан етим қолди. Олтинчи синфни битиргач, ўқишни ташлаб ишлашга мажбур бўлди. Ҳисобчилик, солиқ йиғувчилик, қишлоқ советига секретарлик қилди. Сўнгра Жанбулдаги мол докторлиги техникумида, Қирғизистон қишлоқ хўжалик институтида таълим олди, уч йил зоотехник бўлиб ишлади. Адабий ижоди студентлик даврида бошланди. «Газетачи Дзюйдо» (1952), «Ҳошим», «Сепоячи» (1954), «Оқ ёмғир», «Рақиблар», «Байдамтол соҳилларида» (1955) номли ҳикоялари босилиб чиқди. 1957 йили унинг «юзма-юз» номли илк қиссаси эълон қилинди. Иккинчи қиссаси «Жамила» (1958) Ч. Айтматов номини жаҳонга танитди. «Жамила», «Бўта кўз», «Саровқомат дилбарим», «Биринчи муаллим» номли асарлари учун ёзувчи (1963) Ленин мукофоти лауреати бўлди. Бу қиссаларнинг ҳар бирини чинакам шеърий прозада ёзилган достонлар дейиш мумкин.

Кичик бир мақолада бу асарларни атрофлича таҳлил қилиш мумкин эмас, албатта. Санъаткорни жаҳонга машҳур қилган асарларидан бири «Алвидо, Гулсарим!» (1966) номли қиссасидир. Бу асари учун Ч. Айтматов СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Уни ҳозирги асримизнинг энг гўзал, энг юксак инсонпарварлик қиссаси дейиш жоиздир. Асарнинг асосий қаҳрамонлари Танабой билан Гулсари —саман от. Китобхон Танабойсиз Гулсарини, саман отсиз Танабойни тасаввур қила олмайди. Саман йўрға — унинг ҳам, элнинг ҳам кўрки. Колхоз раиси Олданов йўрғани олиб қўйганида, Танабойнинг қалби ҳувиллаб қолади. «Йўрға ўзи билан унинг қалбини олиб кетди!». У руҳан ларзага келади. Ниҳоят, хотини Жайдарга «Она туянинг бўзлашини чалиб бер», — дейди. Хотини чанговузи билан бўталоғини йўқотган она туя ҳақидаги куйни чалади. Она туя канча кунлардан бери елиб-югуради, ўз боласини қидиради, чақиради. «Қайдасан қора кўз бўталоғим? Елинимдан, тирсиллаб турган елинимдан тизилаб сут оқяпти, оёқларимдан оқиб тушяпти. Қайдасан? Жавоб бер! Елинимдан, тирсиллаб бораётган елинимдан сут тизиллаб оқяпти. Оппоқ сут...». Асарда Танабойнинг кундалик меҳнати бутун улуғворлиги ва фожиаси билан кўрсатилади.

Қаҳратон қиш. Шундай пайтда қўйлар ёппасига қўзилаяпти. Емиш йўқ, бошпана йўқ. Қўй-қўзилар қирилиб кетяпти. Танабойнинг ғазаби, фиғони чексиз. Ҳам руҳан, ҳам жисмоний эзилади. Хўжасизлик ва лоқайдликдан чексиз нафратланади. У умрида биринчи бор боласини уради. Отарни ташлаб кетаётган Бектойнинг йўлини тўсади. Лекин жағига тушган муштдан учиб кетади. Хотини Жайдар қулаб тушган қўйхона тўсини тагида қолади. Унинг тирик қолганига Танабой шукур қилади. Кечаю кундуз қўй-қўзиларни асраб қолиш учун шиддат билан курашади. Ҳолдан тояди. Шундай оғир бир пайтда, район вакили Сегизбоев билан колхоз парторги Жўра Саёқов етиб келади. Вакил Танабойни «Сен зараркунандасан! Сен халқ душманисан! Сенинг ўрнинг партияда эмас, турмада» — дея ҳақорат қилади. Бу — бутун ҳаётини колхоз ишига сарфлаган кекса коммунистни хўрлашнинг, масхара қилишнинг чиркин намунаси эди.

Ниҳоят, аламига чидай олмаган Танабой қўллари билан юзини маҳкам беркитганича икки букилиб хўнграб йиғлайди. Санъаткор «Жайдар ҳеч қачон Танабойнинг йиғлаганини кўрмаган эди» — дея махсус таъкидлайди.

Танабойнинг шахсий иши райком бюросида кўрилади. Бу — қиссанинг кульминацион нуқтаси. Умуман инсоннинг, шу жумладан коммунистнинг муқаддас бурчини мураккаб психологиясига нисбатан тезроқ тушуниш мумкин. Биргина мисол. Райкомда Танабой «Ўзи ҳақидаги масалаларнинг ҳал қилинишида икки яширин рақиб томоннинг тўқнашиб қолганини ва уларнинг ҳар бири бу аянчли ҳодисадан ўзларича фойдаланишга тайёр эканликларини билмас эди. Биринчи томон Сегизбоев ва унинг тарафдорлари бўлиб, улар янги секретарнинг қаршилигини синаб кўриш ва агар иложи бўлса, уни қўлга олишни ўйларди. Бошқа иккинчи томон — бу Қашқатоев эди. У ўз ўрнига Сегизбоев кўз тикаётганини билар эди. Шунинг учун у ўз обрўсини ерга урмаслик ва хавфли одамлар билан бўлган муносабатини ҳам кескинлаштирмаслиги керак эди».

Танабойнинг иши адолат билан, партиявий принципиаллик билан ҳал қилиниши керак. Лекин улар қалбида яширин психологизм механизмлари кучайиб боради.

Бутунлай бошқа бир ҳолат, «Ёвузлар! — деб қўйди ўзича Танабой. — Улардан раҳм-шафқат кутма. Нима учун мен шафқат кутишим керак? Нима мен жиноятчиманми?».

Бюрода уни айбловчи асосий куч — прокурор Сегизбоевдир. «Паст лавозимдаги киши юқори лавозимли кишидан ҳайиқмоғи керак» — мана унинг «фалсафаси». У чинакамига хавфли шахс: «Менинг орқамда район партия комитетининг бюроси турибди, билсангиз, бутун партия турибди. Мен унинг обрўсига путур етказишга, уни таҳқирлашга йўл қўя олмайман... Бизнинг ҳаммамиз бекасовга ўхшаш коммунистларнинг мафкураси учун жавоб берамиз. Яна бизга: унинг ўзи ёлғизми ёки ҳамфикрлари ҳам борми, деган масалани аниқлашга тўғри келади... Дангал айтаман.

Асарда Танабойни Жўрасиз тўла тасаввур қилиб бўлмайди. Улар эски дўст эди. Улар бир вақтда комсомолга кирган, бирга қулоқларга қарши курашган. Жўра овулда савдолиси бўлган. Возмин, хушгабиат. Хасталиги туфайли у армияга бормаган. Танабой эса урушда бўлган. Кўп йилдан бери колхозга раислик қилаётган Жўра урушдан қайтган — темирчи бўлиб ишлаётган Танабойни йилқичиликка қўндиради. Жўра метин одам. Айни вақтда, у кўнгилчан эди. Кўнгилчанлиги учун уни Танабой аямай танқид қиларди. Кейинчалик, у ҳақда шундай фикрларга боради: «Нега у бунчалик эҳтиётқор бўлиб қолди? Негадир ўзгарган! Эҳтимол, умр бўйи раис бўлиб колхозни судраганидан, бошлиқлар умр бўйи сўкканларидандир. Эпчиллик, усталик қилишга ўрганиб қолганга ўхшайди...». Танабой ундаги бу хусусиятни райком бюросида яна бир бор кўради. Қадрдон дўстини, соф коммунистни ҳимоя қилмоқчи бўлганида Қашқатоевнинг бир дўқ қилиши билан Жўра «Худди интизомли ўқувчидек итоатқорона ўрнига ўтиради». Буни кўриб Танабой Жўрага юрак-юракдан ачинади. Ниҳоят, у Жўрага шундай дейди: «Мен энди коммунист эмасман. Ҳа, сен ҳам кўпдан бери коммунист эмассан. Тил ёғламалик қилаяпсан». Бу уларнинг сўнгги бор юзма-юз очиқчасига гаплашуви эди. Жўра охирги нафасига қадар Танабойни интизор бўлиб кутади ва «Танабой, Танабой» дея жон беради.

Худди шу тарзда санъаткор асарда киши қалбини ҳаяжонга соладиган трагик фожиали образ яратади. У партияга содиқ инсон фожиасининг тимсоли бўлиб қолди. Тўғри, у муайян даврда ленинча юксак принципиаллардан чекинган ва сўнгра ўзининг хатосини англи тушуниб етган, ниҳоят чинакам коммунист сифатида жон берган инсон образи. Жўра ўлимидан олдин «Коммунистларни чақиринг, мен ишнинг қандай содир бўлганлигини, бюронинг қандай ўтганлигини, Танабойни партиядан қандай чиқарганликларини — ҳаммасини гапириб бераман. Билиб қўйишсин: мен райкомнинг бу қарорига кўшила олмайман. Билиб қўйишсин: Мен Танабойнинг партиядан чиқарилишига рози эмасман», дея ҳайқиради. Унинг охирги васияти: «Менинг партия билетимни Танабойнинг ўзи, ўз қўли билан райкомга элтиб топширсин».

Худди шу тарзда Жўра Танабойнинг партиядан ҳайдалишига асло рози эмаслигини ва бошқаларга муносабатини билдиради. Санъаткор бир ўринда «Жўра билан Танабой — бир қўлнинг икки бармоғи» деб алоҳида таъкидлайди.

Чингиз Айтматов худди шу тарзда бутун умри бўйи партияга содиқ бўлган оддий бир чўпоннинг эътиқодини, соф виждонини такрорланмас бўёқларда кўрсатиб берди. Санъаткор Айтматов «Оқ кема» («эртакдан сўнг») асарида ёш боланинг ўз эртагини баъзан кўтаринки; шартли романтик руҳда, баъзан бешафқат реализм нури билан ҳикоя қилади. Иккинчи эртак— болага бобоси Мўмин айтиб берган Шоҳдор она бўғи ҳақидаги эртак ҳам худди шу тарзда мафтункор, сеҳрли. Бу афсона асар сюжетида муҳим ўрин тутади ва қаҳрамонлар қисматида фавқулодда кучга молик бўлади. Адибнинг диққат марказида бу афсонага ҳар қимнинг ҳар хил муносабатда бўлишини кўрсатиб туради. Бола «Бобом айтишича, буларнинг ҳаммаси рост бўлган иш. Биз ҳаммамиз Шоҳдор она бўғининг болалари эканмиз...» дейди. Бола бу афсонага тўла ишонади ва унинг учун Шоҳдор она бўғи муқаддас бўлиб қолади. Бу афсона қисса учун қандайдир бир ташқи безак эмас, аксинча асарнинг сеҳрли поэтик оламидир. Қиссанинг финалида Шоҳдор она бўғига ёвузларча муносабат тасвирланади. Ёвуз Ўрозқулнинг золимлигидан қўрқиб Мўмин Шоҳдор она бўғини отади. Бунинг устига, чолга зўрлаб ароқ ичиради. Мўмин ичкиликнинг зўридан ўлар ҳолатда соқолларигача лой бўлиб, тупроққа қоришиб ётади. Буни кўриб, сесканиб кетган боланинг кўз олдига Ўрозқул болта билан майдалаб ташлаган Шоҳдор она бўғининг калласи келади. Шу пайтда Ўрозқул уйида жўраларини Она бўғи гўшти билан зиёфат қиларди.

Айтматов асарда бош қаҳрамон — боланинг ёшларга хос ҳақгўйлик, ғазаби, нафрати ва кескин шижоати билан ёвузлардан ўч олишга интилишини шартли романтик усулда ифода этади. Бола кўриб юрган одамлари ичида Ўрозқулга бас келадиган ва ундан ўч олишга қодир бўлган бирдан-бир киши Қулибек — ўзини эркалатган ва яхши кўрган ўша собиқ солдат Қулибек деб билади. Қулибек ҳам ёрдамга отилади. «Қани, ўрнингдан тур-чи, мурдор! Деворга бориб тур! — Қулибек автоматини Ўрозқулнинг чаккасига тиради. Сўнгра ғ яланади: «Ўлдирма мени, менинг ҳеч кимим йўқ-ку, ахир. Оламда танҳоман. На ўғлим, на қизим...». Қулибек «Сенга айтадиган охирги сўзим бор. Сенда ҳеч қачон бола бўлмайди. Сен ёвуз ва ярамас одамсан. Сени бу ерда ҳеч ким ётқизмайди... Сен фашистсан. Сен бу ердан умрбод кет!». — дейди. Урозқул ғойиб бўлади. Сўнгра Қулибек бошқаларга: «Шундай одам билан қандай яшаб келдиларинг? Уят эмасми сизларга!»— деди. Бола адолатли суддан ўзида йўқ шод эди.

Қисқаси, санъаткорнинг бу қиссаси ҳам чуқур умумлашмаларга бой бир достон. Кўп асарлари сингари «Оқ кема» ҳам экранлаштирилган. «Оқ кема» кино асари учун адиб 1977 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Чингиз Айтматов Ленин ва икки марта СССР Давлат мукофоти лауреати ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Адибнинг икки томлик танланган асарлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин сўз боши билан босилиб ўзбек тилида чиқди. Бу борада таржимон Асил Рашидовнинг хизмати беқиёс катта. Чингиз Айтматов ўзбек китобхонларининг энг севимли ва эъзозли санъаткори бўлиб қолди.

Анқобой ҚУЛЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 11 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Хўжаликлар	процент ҳисобида: жами	шу жумладан машинада	Районлар
КОЛХОЗЛАР			
1. «Октябрь 40 йиллиги»	145,72	152,36	Бўка
2. «Победа»	128,90	145,68	Ғалаба
3. «Коммунизм»	127,67	127,06	Бўка
4. «Энгельс» номли	121,22	123,68	Чиноз
5. Ҳ. Турсунқулов номли	120,45	167,12	Янгийўл
6. Ленин номли	117,67	115,37	Янгийўл
7. Ильич номли	116,12	120,04	Бўка
8. «Гулистон»	115,55	119,73	Пискент
9. «Ленин йўли»	115,50	113,94	Ўрта Чирчиқ
10. Темирязев номли	114,90	115,93	Бўка
11. Терешкова номли	114,55	105,64	Ўрта Чирчиқ
12. Тельман номли	114,48	104,14	Пискент
13. Мичурин номли	112,60	120,53	Бўка
14. «Партия ХХ съезди»	112,18	88,93	Бўка
15. Калинин номли	111,68	117,55	Пискент
16. Охунбобоев номли	111,17	111,75	Чиноз
17. Ленин номли	110,95	122,61	Ғалаба
18. «Ленинизм»	110,28	110,61	Бўка
19. Энгельс номли	110,23	107,69	Ғалаба
20. «Ленинобод»	110,06	90,00	Бўка
21. С. Раҳимов номли	109,76	127,81	Чиноз
22. Энгельс номли	109,62	118,05	Ўрта Чирчиқ
23. Свердлов номли	109,30	117,92	Ўрта Чирчиқ
24. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»	108,41	80,89	Пискент
25. Свердлов номли	108,40	99,13	Пискент
26. Фрунзе номли	108,30	111,16	Бўка
27. Ҳамза номли	108,27	116,92	Бўка
28. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»	107,97	104,14	Чиноз
29. «Қизил Октябрь»	107,61	108,27	Чиноз
30. «Партия ХХІ съезди»	107,43	237,20	Янгийўл
31. Куйбишев номли	107,37	108,18	Ўрта Чирчиқ
32. Ленин номли	107,19	102,75	Бекобод
33. «Заря коммунизма»	107,15	120,09	Ғалаба
34. Охунбобоев номли	106,77	115,90	Ўрта Чирчиқ
35. «Ленинизм»	106,64	103,71	Оққўрғон
36. «Коммунизм»	106,36	60,60	Янгийўл
37. «Партия ХХІІ съезди»	106,31	105,40	Ўрта Чирчиқ
38. Димитров номли	106,23	102,86	Ғалаба
39. «Ленинград»	106,12	118,71	Ғалаба
40. Ленин номли	105,74	101,05	Пискент
41. «Интернационал»	105,48	106,42	Янгийўл
42. Навоий номли	105,18	97,92	Бекобод
43. Киров номли	104,94	108,48	Чиноз
44. Навоий номли	104,91	95,64	Чиноз
45. «Партия ХІХ съезди»	104,80	109,47	Бўка
46. Ким Пен Ҳва номли	104,73	107,14	Ўрта Чирчиқ
47. Жамбул номли	104,73	106,14	Бўка
48. «Октябрь 40 йиллиги»	104,73	101,80	Чиноз
49. К. Маркс номли	104,38	104,27	Чиноз
50. Свердлов номли	104,07	108,44	Ғалаба
51. Дзержинский номли	103,84	108,21	Бекобод
52. Ҳамза номли	103,55	97,64	Ғалаба
53. К. Маркс номли	103,49	111,95	Коммунистик
54. «Ленин йўли»	103,36	80,79	Бўка
55. «Москва»	103,31	105,37	Чиноз
56. Киров номли	103,20	103,81	Ғалаба
57. Икромов номли	103,20	88,61	Ўрта Чирчиқ
58. Ленин номли	103,14	106,34	Ўрта Чирчиқ
59. «Москва»	103,04	90,41	Ғалаба
60. «Политотдел»	102,60	105,31	Коммунистик
61. Навоий номли	102,51	100,72	Оққўрғон
62. «Ўзбекистон»	102,14	94,75	Коммунистик
63. Ниёзов номли	102,12	240,00	Янгийўл
64. К. Маркс номли	102,11	101,30	Ўрта Чирчиқ
65. «Ленинский путь»	101,05	111,09	Коммунистик
66. «Правда»	100,98	100,23	Коммунистик
67. «Коммунизм»	100,87	105,23	Бекобод
68. Куйбишев номли	100,83	100,94	Оққўрғон
69. Свердлов номли	100,73	92,47	Коммунистик
70. К. Маркс номли	100,70	77,55	Бўка
71. «Партия ХХІІ съезди»	100,22	109,41	Оққўрғон
72. Калинин номли	100,03	154,33	Янгийўл
73. «Ленинизм»	100,02	94,61	Янгийўл
74. «Коммунизм»	95,58	95,09	Оққўрғон
75. «Победа»	93,95	89,64	Бекобод
76. «Северный маяк»	93,00	109,02	Ўрта Чирчиқ
77. Охунбобоев номли	91,09	72,00	Пискент
78. Охунбобоев номли	89,62	87,07	Оққўрғон
79. «Ленинобод»	88,93	87,62	Оққўрғон
80. Вотинцев номли	85,48	84,60	Оққўрғон
81. «Озод»	80,26	83,00	Оққўрғон
82. Жданов номли	80,00	50,43	Янгийўл
83. «Коммунизм»	76,90	71,00	Ўрта Чирчиқ
84. Х. Олимжон номли	76,48	65,95	Оққўрғон
Совхозлар:			
1. «Ленинград»	133,23	95,73	Бекобод
2. «Партия ХХІV съезди»	131,67	180,00	Чиноз
3. Волков номли	127,91	108,97	Ғалаба
4. «Янгиобод»	117,33	181,67	Чиноз
5. Киров номли	116,32	112,38	Ғалаба
6. «Коммунизм»	114,94	108,73	Ғалаба
7. Оибек номли	113,59	104,56	Бекобод
8. «Кўкорол»	112,49	119,16	Бўка
9. Бўка ўқув хўжалиги техникуми	111,11	103,33	Бўка
10. «Бўка»	110,74	107,87	Бўка
11. Мавлонов номли	105,38	109,06	Бекобод
12. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги»	102,96	102,73	Ғалаба
13. «САМИС»	102,33	108,50	Янгийўл
14. «ТИИММСХ» ўқув-хўжалиги»	101,53	101,96	Ўрта Чирчиқ
15. «Авангард»	100,22	97,78	Бекобод
16. «Партия ХХV съезди»	100,03	97,73	Бекобод
17. 1-«Далварзин»	100,01	93,23	Бекобод
18. 1-«Пискент»	99,67	67,52	Пискент
19. «Оққўрғон»	92,85	96,14	Оққўрғон
20. 2-«Пискент»	88,74	65,55	Пискент
21. С. Сегизбоев номли	76,26	80,69	Оққўрғон

КЎКЛАМГА—ЯНГИ МАШИНАЛАР

Боғлар ва тонзорлар учун машиналар бўйича махсус конструкторлик бюросининг тажриба-механика заводида ток занглариии очадиган «ОВП-045» маркали янги агрегатларни кўплаб чиқариш учун тайёргарлик поёнига етказилди. Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг олимлари билан тошкентлик конструкторлар ҳамкорлигида яратилган бу агрегатлар республика токзорларида давлат синовидан муваффақиятли ўтди. Машиналар махсус вентилятор қурилмалар билан жиҳозланган, бу кучли ҳаво оқимининг таъсирида ток занглари устига ёпилган тупроқни очади.

Бир сменада ҳар биттa механизм ярим гектар ердаги токнинг устини очи олади. Бу бошқа конструкциядаги агрегатлар бажарадиган ишдан анча кўп. Айни пайтда ёқилғи икки баравар кам сарфланади. Янги машиналарни қўлланишдан бир йилда қарийб бир ярим минг сўм иқтисодий самара кўрилади.

Янги агрегатлар келгуси йил баҳорида Ўзбекистоннинг ўнлаб ихтисослаштирилган хўжаликларига етказиб берилади. Бу йил Тошкент конструкторлари томонидан токларни парвариш қилиш учун яратилган бошқа бир универсал механизм билан мувофиқлаштирилганда, янги агрегат токзорларнинг тупроғини ишлаш соҳасидаги барча сермеҳнат операцияларни тўла механизациялаш имконини беради.

(ЎзТАГ).

ПАХТАКОРЛАРГА КОНЦЕРТ

РЕСПУБЛИКА рус тили ва адабиёти педагогика институтининг ҳаваскор талабаларидан тузилган концерт группаси Оққўрғон райони пахтакорлари ва хашарчи теримчиларга маданий хизмат кўрсатиб қайтишди. Группа Вотинцев номли, Навоий номли, «Партия ХХ съезди» колхозларида ўнга яқин концерт беришди. Ҳаваскор санъаткорлардан Ҳ. Омонов, Ш. Нормуродова, Ю. Норбоев ва бошқаларнинг дилрабо қўшиқ ва куйлари қишлоқ меҳнаткашларига манзур бўлди.

— Студент санъаткорлар, — деди институт доценти Эркин Азларов, — далалардаги маданий хизмат кўрсатиш билан бирга пахтакорлар орасида суҳбат ва лекциялар ҳам ўқишди.

М. ТОЖИБОЕВА.



Ўзбекистон қийин эришган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Комбинат пешқадам ишчиларидан бир қанчаси беш йиллик план топшириқларини муддатдан илгари якунладилар. Суратда: ана шундай илғор ишчилардан бири, прессловчилар бригадири Н. Юнусов.

В. Сироткин фотоси.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕСИ ВА ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ РЕМОНТДАН ЧИҚАРИБ 1979 ЙИЛ КЎКЛАМГИ ДАЛА ИШЛАРИ УЧУН ТАЙЁРЛАБ ҚЎИИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Колхоз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, 1978 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатдан илгари бажариш юзасидан бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, мисли кўрилмаган оби-ҳаво қийинчиликларини енгиб, бу йил пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришга эришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладидан келиб чиқадиган вазифалар, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Советининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб бераётган колхоз меҳнаткашлари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан давлатга пахта сотиш йиллик ҳажмини муддатдан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 4200 тоннадан зиёд, яъни халқ хўжалик планида белгиланганидан 200 тонна кўп пахта етказиб берилди. Давлатга дон, каноп, пилла сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш йиллик ҳажми муваффақиятли бажарилди.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли якунлаб, колхоз правлениеси ва партия комитети 1979 йил ҳосили учун кузги-қишги тадбирлар комплексида қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида сифатли ремонт қилиш ва тайёрлаш юзасидан қуйидаги тадбирлар белгиладилар.

Қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида юқори сифатли ремонт қилиб, 1979 йил кўкламги дала ишларига тахт қилиб қўйиш мақсадида тажрибали механизаторлардан олтита ремонт бригадаси тузилиб, уларга юқори унум билан ишлаш учун барча зарур шароитлар яратиб берилади.

Масъуллар: колхоз правленниси, партия комитети, колхоз бош инженери.

50 нафар тажрибали механизаторлардан тузилган биринчи бригада ремонтчилари кучи билан шу йил 15—30 ноябрь давомида 50 та культиватор, 45 та чигит экадиган ва бошқа турдаги сеялкалар, 40 та гербицид сепишга мослаштирилган агрегат ва 30 та комплект борона ремонтдан чиқарилади.

Масъул: К. Мирюсупов — колхоз контроль — механиги.

25 нафар тажрибали механизаторлардан тузилган иккинчи бригада ремонтчилари кучи билан шу йил 1—15 декабрь давомида 25 та транспорт трактори, пахтани қаноpсиз ташийдиган 90 та трактор прицепи, Пу-0,5 маркали тўртта юкловчи механизм ремонти тугалланади.

Масъул: О. Шеҳўжаев — колхознинг тракторлар бўйича механиги.

25 нафар тажрибали механизаторлардан тузилган учинчи бригада ремонтчилари кучи билан 1978 йил 15-декабрдан 1979 йил 5 январгача 7 та ОВХ-14 пуркагич аппарати, 30 та ХТ-1,2 маркали пахта териш ҳамда 18 та кўсак чувиш машиналари ремонтдан чиқарилади.

Масъул: Р. Дўсов — колхознинг қишлоқ хўжалик машиналари бўйича механиги.

25 нафар тажрибали механизаторлардан тузилган тўртинчи бригада ремонтчилари кучи билан 1978 йил 15 декабрдан 1979 йил 5 январгача «ЛО» ва «ЛС» маркали 30 та канон ўрадиган техника, 30 та сенокосилка, 5 та дон комбайнлари ремонт қилиб бўлинади.

Масъул: О. Тўхтахўжаев — колхоз инженер-механиги.

40 нафар тажрибали механизаторлардан тузилган бешинчи бригада ремонтчилари кучи билан 1979 йил 5—25 январь давомида бештa грейдер, 20 та ҳайдов трактори ва ҳамма плуглар ремонт қилиб қўйилади.

Масъуллар: З. Рўзиматов, А. Гулматов, И. Усмонов — колхознинг участка механиклари, Х. Бобоев — бульдозерчилар отряди механиги.

10 нафар тажрибали механизаторлардан тузилган олтинчи бригада ремонтчилари кучи билан 1979 йил 5—25 январь давомида турли маркадаги 30 та автомашина ремонти тугалланади.

Масъул:— И. Кенжаев— колхознинг автотранспорт бўйича механиги.

Қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларининг ишлаш муддатини узайтириш мақсадларида 20—25 йилдан бери фойдаланиб келинаётган 10 та юк автомашинаси ва ХТ-1,2 маркали 15 та пахта териш машинаси сифатли ремонт қилиниб, ишга шай қилиб қўйилади.

Муддатлари: юк автомашиналари — 1979 йил 25 январгача, пахта териш машиналари — 5 январгача.

Масъуллар: бош инженер, механик устахона мудири, транспорт бўйича инженер-механик.

Келгуси йил учун қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларини ремонт қилиш ҳамда тайёрлаб қўйиш билан банд бўлган механизаторлар учун иссиқ овқат тайёрланади, барча маданий-маиший шарт-шароитлар яратиб берилади.

Масъуллар: колхоз партия комитети, маҳаллий комитет, комсомол комитети.

Қишлоқ хўжалик машиналари ва транспорт воситаларини ремонт қилиш ҳамда тайёрлаш билан банд бўлган механизаторлар ишини жонлантириш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш мақсадида ремонт бригадалари ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилади. Бунинг учун колхоз правлениеси ва партия комитетининг кўчма вимпели таъсис этилади, шунингдек илғор ремонт бригадалари ва алоҳида ўрнак кўрсатган механизаторларни рағбатлантириш учун қимматбаҳо мукофотлар белгиланади. Шу мақсадларга мукофотлаш фондидан 5 минг сўм ажратилади.

Қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларини ремонт қилиш ҳамда тайёрлаш ишлари ҳар ўн беш кунда якунланиб, социалистик мусобақа натижаларининг мунтазам кенг ошкоралиги ва таъсирчанлиги таъминланади.

Масъуллар: колхоз правленниси, партия комитети, маҳаллий комитет, комсомол комитети.

Қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларини сифатли ремонт қилиш ва 1979 йил кўкламги дала ишларига тайёрлашнинг боришини назорат қилиш борасида қуйидаги составда сифат комиссияси тузилди:

П. А. Тян — бош инженер (комиссия раиси).

Комиссия аъзолари: С. Исмоилов — ревизия комиссиясининг раиси, А. Шеримбетов — бош агроном, Э. Халенов — механик устахона мудири, И. Кенжаев — халқ контроли группаси раиси, С. Мирзаев — касаба союзлари маҳаллий комитети раиси, С. Бегматов — комсомол комитети секретари, М. Туробқулов — 11-бригада бошлиғи, К. Йўлдошев — 2-бригада бошлиғи.

Сифат комиссияси зиммасига ҳамма ремонт бригадалари томонидан қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларини ремонт қилиш ҳамда тайёрлаш юзасидан белгиланган графикларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишини кундалик қатъий контрол қилиб бориш вазифаси юклатилди. Бу комиссия ҳар бир агрегатга ремонт сифати тўғрисида гарантия талони беради.

Колхоз правленниси ва партия комитети қатъий ишонч билдирадиларки, колхоз механизаторлари ва барча меҳнаткашлар 1979 йил ҳосили учун белгиланган кузги-қишки тадбирлар комплексини тўла ва намунали ўтказиш учун моддий-техник ва меҳнат ресурсларини сафарбар этадилар, барча қишлоқ хўжалик техникаларини ва транспорт воситларини муддатдан илгари сифатли ремонт қиладилар ва янги мавсумга тахт қилиб қўядилар.

Ушбу тадбирлар колхоз правленниси ва партия комитетининг қўшма йиғилишида кўриб чиқилиб, маъқулланган.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. 11 декабрь. (ТАСС). Теҳрондан олинган хабарларга қараганда, оппозиция раҳбарлари ва дин пешволарининг даъвати билан Эрон пойтахтида ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида кеча ҳукуматга қарши жуда катта халқ намойишлари бўлиб ўтди. Бу намойишлар шаҳидларни ёдга олиш куни — «Ашур» деб аталган диний байрам куни ўтказилди. Теҳроннинг 8 районида мотам либосини кийиб олган, қўлларига қора байроқлар ва шоҳни тахтдан ағдаришга чақирувчи плакатлар кўтариб олган кўпдан-кўп намойишчиларнинг колонналари тўпланишди. «Йўқолсин истибдод!», «Эроннинг агрессив СЕНТО пактидан чиқишини талаб қиламиз!» деб бақиришди намойишчилар. Бу манзарани ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг айтишича чамаси бир миллион-икки миллион киши, яъни шаҳардаги бутун аҳолининг ярмисидан сал камроғи кўчаларга чиқди.

Намойиш қатнашчилари Теҳрон марказига қараб боришди. Шоҳ қароргоҳи, шунингдек чет эл дипломатия ваколатхоналарининг бинолари ва маҳаллий бойвачаларнинг ишратхоналари жойлашган пойтахтнинг шимолий районига бориш йўллари танклар, бронетранспортерлар, ҳарбий юк машиналари, қўшинларнинг катта-катта бўлинмалари билан тўсиб қўйилган эди. Эрон қўшинлари АҚШ элчихонасини кўп куч билан қўриқлаб турибди.

Эроннинг бошқа катта шаҳарлари —Исфаҳон, Ободан, Табриз, Машҳад ва Кумда ҳам ҳукуматга қарши ўз кўлами жиҳатидан мислсиз халқ намойишлари бўлиб ўтди.

ЮПИ ва бошқа агентликларнинг хабар қилишича, америкалик, инглиз, япон ва ғарбий германиялик бизнесменлар, шунингдек маҳаллий зодагонлар ва уларнинг оила аъзолари мамлакатдан шошапиша қочмоқдалар. Пойтахтнинг давлатманд аҳолисининг бир қисми намойишлар вақтида тартибсизлик чиқишидан чўчиб, шаҳардан кетиб қолди. Полиция маълумотларига қараганда, бир кун ичида Теҳрондан 130 мингтадан ортиқ автомашина чиқиб кетган.

Теҳроннинг Меҳриобод халқаро аэропортида учишни кутиб ўтирган юзлаб пассажирлар орасида саросималик бошланди. Эрон маъмурлари аэропортни 48 соатга ёпиб қўйишгани бунга сабаб бўлди. Аэропорт атрофи қўшинлар билан қуршаб олинган. Куни кеча Американинг «Пан-Америкэн» авиация компанияси Америка граждан шахсларининг ва АҚШ элчихонаси ходимларининг оилаларини, шунингдек Эрондаги ўн мингдаб Америка ҳарбий хизматчиларининг оилаларини шошилинч равишда ташиб кетди. Пентагон вакилининг айтишича, бунинг учун АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг транспорт самолётларидан ҳам фойдаланилди. Бу самолётлар намойишчиларни ҳайдаб юборишда ишлатиладиган янги-янги ҳарбий анжомларни Эронга олиб келган эди. Шу билан бирга Пентагон вакили Вашингтонинг Эрондаги америкаликларни тўла-тўкис олиб кетиш режалари йўқ, деб таъкидлади.

«Вашингтон пост» газетасининг уқтириб ёзишича, АҚШ маъмуриятининг раҳбарлари шоҳнинг Эрон армияси ёрдамида ҳокимият тепасида қолишига ҳамон умид боғламоқдалар. АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжезинский билан АҚШнинг Эрондаги элчиси У. Сцлливен шундай сиёсат ўтказилишини талаб қилмоқдалар. Бироқ, АҚШ маъмуриятининг бир мунча пастроқ погонадаги вакиллари башарти АҚШ ҳукумати «Эрондаги ҳокимият структурасида катта ўзгаришлар» бўлиши эҳтимолига ҳозирлик кўрмаса ва барвақт мослашиб олмаса, Қўшма Штатлар Эрондаги ўз нуфузидан маҳрум бўлиши мумкинлиги хусусида ҳавотирлик изҳор этмоқдалар.

НЬЮ-ЙОРК. 10 декабрь. (ТАСС). АҚШ Коммунистик партияси Марказий Комитети баёнот эълон қилиб, Америка ҳукуматидан Эроннинг ҳукмрон доираларига ҳар қандай турда мадад беришни, аввало қурол-яроғ юборишни тўхтатишни, шунингдек Эрондаги барча америкалик ҳарбий маслаҳатчиларни чақириб олишни талаб қилди.

Нефть ва пўлат қуйиш саноати механикашларини, ўқитувчиларни ва ишчилар синфининг бошқа отрядларини ўз ичига олувчи Эрон ишчилар синфининг қураши АҚШ коммунистлари ва касаба союзлари учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Эронда ҳақиқий касаба союзлари йўқ, меҳнат қилиш, касаба союз ташкилотларини тузиш ва коллектив шартномалар тузиш ҳуқуқи йўқ, деб уқтирилади баёнотда. Бу эса йирик буржуазия ва халқаро нефть компаниялари учун бебилиска фойда уидириб олиш мумкинлигини билдиради. Ўз навбатида бу фойдадан Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам, бутун дунёда ҳам Америка корпорацияларининг ишчиларга қарши ҳаракатларини пул билан таъминлаш учун сарфланилмоқда, дейилади баёнотда.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

БУДАПЕШТ. Венгрия корхоналарида маҳсулотнинг юксак сифати учун бошланган ҳаракатнинг дастлабки якунлари чиқарилди. Бу йил 150 дан ортиқ маҳсулотга Сифат белгиси берилди. Улар орасида—телевизорлар, радиоприёмниклар, тикув ва кўнчилик саноатининг кўпгина турдаги маҳсулотлари бор.

МАДРИД. Испанияда марксизм адабиётига қизиқиш кучаймоқда. Кўпгина нашриётлар марксизм-ленинизм классикларининг айрим асарларидан ташқари, асарлар тўпламларини ҳам кўп нусҳада чиқараётганлиги шундан далолат беради. Масалан, Мадриддаги «Акал» нашриёти келгуси йил январида Испания тарихида биринчи марта В. И. Ленин тўпланган асарларининг 51 томини чоп этиб бўлади. Нашриёт обуначиларнинг кўпдан-кўп илтимосларини бажо келтириб, тўпламни нашр этишни тезлаштирди. Ўтган ойнинг ўзида 15 та том босилиб чиқди.

В. И. Ленининг кўпгина асарлари, жумладан «Нима қилмоқ керак?», «Бир қадам олга, икки қадам орқага», «Апрель тезислари», «Коммунизмда болаларча «сўллик» «касаллиги» асарлари босилиб чиқди.

Пойтахтдаги бошқа бир «Фундаментос» нашриёти «Марксизм классиклари» деган махсус туркумни чиқаришга киришди.

МЕНФИС. (Теннеси штати). Минглаб америкаликлар сиёсатчиларидан сайлов олди ваъдаларини "бажарилишини қаттиқ талаб қилиш учун кеча демократик партиянинг миллий конференцияси ўтаётган бино ёнига бордилар. Дарҳол ислоҳот ўтказиш учун курашаётган маҳаллий ташкилотлар уюшмасига аъзо бўлган намойишчиларнинг плакатларига «Ҳаммага ва ҳар бир кишига иш берилсин», «Бизга нормал уй-жой керак», «Солиқларни камбағаллардан эмас, бойлардан олинглар» деган сўзлар ёзилган эди. Улар ишсизлик ва пулнинг қадрсизланишдан, солиқ машаққатидан ғазабланганликларини мамлакатнинг ҳукмрон партиясига айтиш учун АҚШнинг 14 штатидан Менфисга келган эдилар.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия қуролли интервенцияни даф қилиб, ички контрреволюция фитнасини яксон этиб ва шимолдаги сепаратчи гуруҳлар устидан зўр ғалабалар қозониб, ўз ривожининг тинч босқичига қадам қўймоқда.

Саноат корхоналарида, шаҳар аҳоли уюшмаларида ва деҳқонлар уюшмаларида — жойлардаги халқ ҳокимиятининг ана шу янги органларида ҳашар ҳаракати кенгайиб бормоқда: ишдан бўш вақтларда ихтиёрий равишда мактаблар, касалхоналар, жамоат ва уй-жой бинолари қурилмоқда. Якшанбалик ва шанбаликлар мунтазам равишда ўтказилмоқда, катта ёшдаги аҳоли орасида саводсизликни тугатувчи юзлаб марказлар барпо этилмоқда.

Мамлакат мустаҳкам иқтисодий негизини вужудга келтириш йўлида дастлабки қадамларни қўймоқда. Ҳали олдинда ҳал этилмаган вазифалар кўп, аммо халқ оммасининг ғайрат-шижоати Эфиопия революциясининг тинч бунёдкорлик меҳнатидаги бундан буён эришадиган муваффақиятларига пухта замин бўлиб хизмат қилади.


(ТАСС, 11 декабрь).

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

СТОКГОЛЬМ. 11 декабрь. (ТАСС). Швеция короли Карл 16 Густав бугун таниқли совет олими С. И. Вавилов номидаги СССР Фанлар академиясининг физикавий проблемалар институти директори академик П. Л. Капицага Нобель мукофотини топширди. У паст ҳароратли физика соҳасидаги катта тадқиқотлари ва кашфиётлари учун Швеция ҳукуматининг аъзолари, фан оламининг намояндалари қатнашдилар.

Нобель мукофотлари фанининг турли соҳасидаги тадқиқотлар учун бошқа мамлакатлардан келган олимларга ҳам топширилди.

1978 йилги лауреатларга Нобель мукофотларини топшириш тантанали маросимида Швеция ҳукуматининг аъзолари, фан оламининг намояндалари қатнашдилар.



Киностудияда режиссёрлар ва актёрлардан ташқари ҳам кўплаб ходимлар ишлайди. Уларнинг номи элга маълум бўлмасада, фильм ишлаб чиқаришда хизматлари каттадир. Суратларда: «Ўзбекфильм» киностудиясидаги ана шундай ижодий ходимларнинг иш жараёнидан лавҳалар акс этган: (чапда) Муяссар Орипова плёнкадан нусха кўчирувчи аппарат ёнида; (ўнгда) ўн йилдан ортиқ монтаж цехида ишлаб келаётган Н. Золотенко иш устида.

Л. Глауберзон фотолари.



АРХИТЕКТУРА ЯНГИЛИГИ

КИНОСАНЪАТИ КОШОНАСИ

Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари учун мансур бўладиган янги бир санъат иншооти қурилиши тўғрисида хушхабар тарқалди. Ўзбекистон кино санъати музейи ва республикада биринчи бор бунёд бўлажак стерео кинотеатри биноси қурилиши тасдиқланди. Бу объектлар шаҳримизнинг Киров ва Коммунистик кўчалари бурчагига қурилади.


Музей биноси икки қаватдан иборат бўлиб 120 ўринли кинозал, кутубхона, кино фонди, архив, музей маъмурияти ва бошқа турли хизматлар учун ажратилган хоналардан иборат бўлади. Музей экспонатлари 13 та залда намойиш қилинади. Бу ерда ўлкамизга 1890—1924 йилларда кино санъатининг кириб келиши, ленинча миллий сиёсат тантанаси туфайли 1924—36 йилларда овозсиз бадиий фильмларни кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилиш, 1936—1941 йилларда яратилган овозли ўзбек фильмлари, Улуғ Ватан уруши йилларида республикамизга кўчиб келган Иттифоқимизнинг йирик кино усталари кўмагида Ўзбекистон кино санъатининг ривожланиши ўз аксини топади. Шунингдек, музей залларида «Ўзбек киноси дўстлик ойнасида», «Ўзбек фильмлари жаҳон экранида» ва бошқа мавзуларни акс эттирувчи материаллар намойиш қилинади.

Кейинги йилларда Тошкент дўстлик ва қардошлик масканига, Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари маданият намоёндалари учрашадиган марказга айланиб қолди. Анъанавий равишда ўтаётган халқаро кинофестиваллар фикримизнинг далилидир. Музей ходимлари ана шу тараққиёт ҳақида «Ўзбекфильм» ва ҳужжатли хроникаль ҳамда илмий-оммабоп фильмлар киностудияси иштирокида 15 мингдан зиёд экспонат тўплашга эришдилар.

Ўзбекистон кино санъати музейининг лойиҳа ва сметаси «Узгипрокино», «Ташгипрогор», Тошкент шаҳар бош архитектори С. Одилов томонидан тайёрланмоқда. Музей лойиҳаси Ўзбекистон ССР Ҳамза номли Давлат мукофоти лауреати С. А. Розимфельдр томонидан миллий шарқ меъморчилиги санъатини акс эттирувчи шаклда тайёрланди. Бу ишда «Узгипрокино» архитектор ва инженерларидан Х. Маликов, Ғ. Эгамбердиев, С. Сведерский ва бошқа ижодий ходимлар фаол ёрдам кўрсатдилар. Қурилиш сметаси тасдиқлангач, 1979 йилнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳар қурилиши Бош бошқармасининг 8-қурилиш трести ишни бошлаб юборади. Қурилиш икки йилга мўлжалланган.

Э. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон кино санъати музейининг директори.

Суратда: киносанъати музейининг макети.



ҚОҒОЗ ҚАЧОН ИХТИРО ЭТИЛГАН

Дунёда ҳар бир нарсанинг тарихи бўлганидек бизнинг ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган илм, қимматли фикр ва кашфиётларимизни жаҳонга билдирувчи восита қоғознинг келиб чиқиш тарихи ҳам бор. Қоғоз ҳақида араб, турк, француз, испан тилларида қатор асарлар ёзилган. Инсон тафаккурининг маҳсули бўлган илм ва маорифни халқ орасида тарқатиш учун ҳам ана шундай воситани ишлаб чиқариш зарурати туғилган ва ниҳоят қоғоз ўйлаб чиқарилган.

Бундан 2 минг йил муқаддам қоғоз ихтиро қилинганлигини ва уни пахтадан ишланганлигини Чай—Лунем ёзган эди. Эски қўлёзмаларда эса пахтадан ишланганлиги борасида маълумот бор. Қоғозни аввалларн капалдан, латтадан, ёш бамбук пояларидан, гуруч похолидан ҳамда бошқа турли ўсимликлардан қилганлар.

Қоғоз устида олиб борилган тадқиқотлар кўпдан давом этиб келиб, XIX асрнинг 60 йилларида тўла-тўкис якунланди. Шарқ ва Ғарб олимлари илмий текшириш ишларини олиб бордилар, бирғина ботаник Визнер 50 йил шу масала устида иш олиб борди. Мисрда қилинган қазилмаларнинг берган қимматли материаллари Италиянинг тарих музейида сақланади. Булар ичида папирус пергаментга 17500 ёзув топилган, буларнинг деярли ҳаммаси араб тилида ёзилган бўлиб, VIII, IX асрдан бошлаб XIV асргача ишланган. Қоғоз ҳақида араб тарихнависларидан машҳур Тарабий, ибн Ҳавқал, Мақдисий, Ёқути Ҳамавий, Комил Ал-Асир, Идрисий, Истахрий, Носир Хусрав, ибн Халдун кабилар баракали асарлар яратганлар. Араблар қоғозинг Яқин ва Ўрта Шарқда майдонга келиши ва ривожланиши борасида бир қанча китоблар ёзганлар.

Қоғоз саноати ривожланган бир қанча катта шаҳарларда, кўпроқ Арабистонда, Африкада, Испанияда, Эрон ва Ҳиндистонда қоғоз мануфактуралари, юзлаб қоғоз тегирмонлари солинган. Мазкур жойларда ишлаб чиқарилган қоғозни Идрисий ғоятда нафис деб таърифлайди. Ҳиндистонда «Давлатобод» қоғози нозик ҳисобланади ва айни замонда ипакдан бўлган ҳинд қоғози Самарқанд қоғозига кўп жиҳатдан ўхшаганлигини қоғоз мутахассислари эътироф этганлар. Г. Вамбери «Ўрта Осиёга сафар» номли асарида Бухоро, Самарқанд қоғозига катта баҳо берган. Қоғоз ясаш учун самарқандлик тарихчи Али ибн Муҳаммад бундан 1367 йил муқаддам муносиб улуш ўшганлардан ҳисобланади.

Л. АЗИЗОВА,
шарқшунос.

Спорт

ТЎПЛАР НИСБАТИНИНГ ТАҚДИРИ

СССР терма командаси гандболчилари жаҳон чемпионлари Германия Демократик Республикаси вакиллари билан бўлган учрашувда ғолиб келишди. Лекин якунловчи жадвалда улардан кейинда қолиб, иккинчи ўринни эгалладилар. Олтин медаль эгаларини тўплар нисбати ҳал қилди.

Братиславада ниҳоясига етган аёллар ўртасида қўл тўпи мусобақаларининг якунловчи турида совет спортчилари Польша командаси билан учрашиб 17:5 ҳисобида устун келдилар. ГДР спортчилари эса майдон эгалари Чехословакия командаси билан бўлган ўйинда тўртта тўп фарқ билан ғалабага эришдилар. Натижада икки команда тенг 8 тадан очко тўплади. Тўплар нисбатига кўра немис спортчилари биринчи ўринга чиқдилар. Ватандошларимиз финалда ҳамма ўйинларда ғалаба қозондилар. Лекин саралаш учрашувларида бой берилган бирдан-бир ғалаба жуда қимматга тушди. Чехословакия командаси билан бўлган группадаги ўйинда вакилларимиз 10:11 ҳисобида енгилган эдилар.

Югославия гандболчиларини 14:12 ҳисобида маглубиятга учратган Венгрия командаси учинчи ўринни олди ва бронза медали эгаси бўлди.

●

ИККИ ЎЙИНДА УЧ ОЧКО

Мамлакат чемпионатининг навбатдаги ўйинларини сафарда ўтказган тошкентлик хоккейчилар икки ўйинда уч очкони қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. «Бинокор» Электросталда маҳаллий «Кристалл» командаси билан учрашди. Биринчи кунги учрашув меҳмонлар фойдасига 4:2 ҳисобида тугади. Такрор беллашувда эса 5:5 ҳисоби қайд этилди.

«Бинокор» бу ўйинидан кейин 33 очко билан кучли олтиликдан жой олиб турипти.

●

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Университет» командаси биринчи группа вакиллари ўртасида пешқадамлик қилмоқда. Студент спортчиларимиз сўнгги турда ўз майдонларида Гомелнинг «Сож» командаси билан учрашиб, ҳар иккала ўйинда ҳам ғалабага эришдилар. Биринчи кун 115:81 ҳисобида устун келган тошкентликлар такрор ўйинда 136:106 ҳисобида ғалаба қозондилар. 13 очко тўплаган «Университет» группада карвонбошилик қиляпти.

●

ҲАРБИЙ-СПОРТ ТЕХНИК ТУРЛАРИГА КАТТА ЭЪТИБОР

Республика ДОСААФ ташкилотлари ҳарбий-спорт техника турларига жиддий эътибор бермоқда. Кейинги йилларда ДОСААФ спорт техника клублари ўз фаолиятларини тубдан яхшилаб, халқ хўжалиги учун минглаб мутахассислар етказиб бермоқдалар.

Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленумида ҳам ана шу масала атрофлича муҳокама қилинди. Пленумда Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси генерал-майор А. Хожибоев «Республикада ҳарбий-спорт техник турларини янада ривожлантириш ва СССР халқлари VII спартакиадаси финал мусобақаларига тайёрланиш бўйича ДОСААФ ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан нотиқлар ҳам ҳарбий-техник спорт турларини янада ривожлантириш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашиб, бу ишни янада жонлантиришда қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленум кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

●

ЁШЛАР КУРИГИ

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт аренасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғини учун гимнастикачиларнинг кўпкураш мусобақалари бўлиб ўтди. Айни вақтда спортчилар республика кубоги учун ҳам беллашдилар.

Мамлакат терма командаси аъзоси, халқаро классдаги спорт мастери Геннадий Якунин пешқадамлик қилди. Қобилиятли ёшлардан Юрий Свешников, Рамис Галиев, Арслон Мансуровнинг маҳорати тренер ва мухлисларга манзур бўлди. Бу мусобақада республикамизнинг етакчи гимнастикачиларидан Оловутдин Отахонов қатнашмади. У мамлакат терма командаси сафида ГФРда ўтказиладиган халқаро турнирда иштирок этади.

Қизлар бахсида тошкентлик динамочи Ольга Тимофеева пешқадамлик қилди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги
206-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йилига
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

дурадгорлар, енгил ва юк ташиш машиналарини ремонт қилувчи автослесарлар, слесарь-сантехниклар, бўёқчилар.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10-синфни битирган йигит-қизлар қабул қилинади. 10-синфни битирганлар ва Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар 65 сўм стипендия билан таъминланадилар (слесарь-сантехник ҳунари бўйича). Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртини битирганларга аттестат берилади ва Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат, кийимкечак ва ишлаб чиқариш даврида иш ҳақининг учдан бири билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, автобиография, паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома; медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка; ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (4х5 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар — 700128, Октябрь район, Хуршид кўчаси, 83-уй, 14-«а», 48-автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Хуршид» бекати (Лабзак). Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Мунозараклуб. 11.10 — Қирмизи олма. Бадиий фильм. 12.30 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Тарих саҳифалари. 16.45 — Сиз яратган бог. 17.15 — 14 дан 18 гача. 17.45 — Концерт. 18.15 — Ипатовликларнинг резервлари. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Оламда нима гап? 19.30 — «Нувель де Моску» газетасининг совғини учун фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 21.30 — «Вақт». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.35 — Фестивалллар, конкурслар, концертлар. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Жонажон ўлка. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Чингиз Айтматов асарлари экранда. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.20 — Соколово. Бадиий фильм. 2-серия. 23.25 — Қизлар хоккей ўйинамоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 — Жиноят қидирув инспектори. Бадиий фильм. 20.55 — Янгиликлар.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/XII да **Майсаранинг иши**, 13/XII да **Испан миниатюралари**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/XII да **Келинлар қўзголони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —13/XII да **Хотинимнинг эри**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/XII да **Ишқ қурбонлари**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Аренада москваликлар» янги цирк программаси (19.30).

Қишлоқ хўжалигига агрохимик хизмат кўрсатиш марказий институтининг (ЦИНАО) Тошкент филиали коллективи катта илмий ходим А. Мажидовга отаси
Мажид
ТОЛИПОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334308, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р—07314. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Д—2541.



РОДЕЗИЯ. Солсбери шаҳрида Африка ёшларининг оммавий намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари армияга чақириш учун африкаликларни мажбурий рўйхатга олиш тўғрисида Родезия ирқчи амалдорлари чиқарган қонунга қарши норозилик билдирдилар. АП—ТАСС фотоси.